

**ОИЛА-ТУРМУШ МУНОСАБАТЛАРИ ДОИРАСИДАГИ  
ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАРНИНГ  
КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ**

*Вахобжонов Дилмурод Дилшод ўғли  
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар  
вазирлиги Академияси Хуқуқбузарликлар  
профилактикаси ва криминалогия  
кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация** Мақолада Оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик, оилада зўравонлик, ҳуқуқбузарлик оқибатида жиноят содир этган шахс, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, давлат органлари, руҳий ўзгаришлар ёки бузилишлар, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вазифалари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** профилактика инспектори, маҳалла раиси, жиноят содир этган шахс, спиртли ичимлик, ахлоқ-одоб нормалари, жиний хулқ.

**Аннотация.** В статье анализируются правонарушение в рамках семейной жизни, насилие в семье, лицо, совершившее преступление в результате правонарушения, повышение правосознания и культуры, государственные органы, психические изменения или расстройства, общественные организации, органы самоуправления граждан.

**Ключевые слова:** инспектор профилактике, председатель махалли, лицо, совершившее преступление, алкогольные напитки, нормы морали, преступное поведение.

**Abstract.** The article analyses delinquency in family life, domestic violence, a person who has committed a crime as a result of delinquency, increase of legal consciousness and culture, state authorities, mental changes or disorders, public organizations, citizens' self-governing bodies.

**Keywords:** prophylactic inspector, mahalla chairman, offender, alcoholic beverages, moral norms, criminal behaviour.

Маълумки, ҳуқуқбузар шахсининг ижтимоий хавфли ва айбли қилмишлари билан боғлиқ бўлган муаммоларни криминалогия фани тадқиқ этади. Зеро, жиноят содир этган шахсларни илмий жиҳатдан ўрганиш ўзининг мазмун ва моҳиятига эга [1] бўлиб, мазкур маълумотларни ўрганиш асосида ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш борасида профилактик чораларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят содир этган шахсларга умумий таъриф бериш ва уларни статистик даражада ўрганиш шахсларнинг маълум туркумларига хос бўлган хусусиятларини аниқлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашни режалаштириш ва жиноятчиликнинг олдини олиш учун тегишли чоралар кўриш имконини беради [2].

Жиноятчилик ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганилганида, ҳуқуқбузарнинг шахси ва унинг хусусиятлари ҳам ўрганилади [3]. Модомики, оилада зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этган ва уларни содир этувчи шахсларнинг ижтимоий-хавfli қилмишлари, криминологик белгилари, психологик хусусиятлари, ғайриахлоқий қарашларини тадқиқ этиш орқали уларга хос бўлган барча зарур маълумотларни ўрганиш мумкин.

Оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахслар билан боғлиқ муаммолар криминология, психология ва жиноят ҳуқуқи фанида ҳам ғоятда баҳсли бўлиб, ҳанузгача унга ягона ёндашувнинг йўқлиги туфайли турли соҳа мутахассислари томонидан ҳуқуқбузар шахсга нисбатан турлича фикрлар билдирилган. Зеро, оилада зўравонлик билан боғлиқ муаммолар, ҳар бир миллат менталитети, ўша жамиятда устувор бўлган оилавий қадриятлар, урф-одатлар ва маросимлар доирасида турли тадқиқотларнинг предмети бўлиб келган [4].

Оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик оқибатида жиноят содир этган шахсларга тааллуқли бўлган ижтимоий-демографик белгиларни тадқиқ қилиш ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, жиноят содир этган шахсларнинг ижтимоий-демографик белгиларини криминологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш орқали унга хос бўлган барча криминологик аҳамиятга эга бўлган хусусиятларни ўрганиш мумкин. Табиийки, ушбу ижтимоий-демографик белгилар умумлаштирилган ҳолда маълум бир минтақада, маълум даврда оила-турмуш муносабатлари доирасида жиноят содир этган шахсларга хос бўлган ижтимоий-демографик белгилар ўрганилса, улар асосида муҳим криминологик хулосаларни ишлаб чиқиш мумкин.

Ҳуқуқбузар шахсини тавсифловчи энг муҳим криминологик белгилардан бири унинг ёшидир. Шахснинг ёш хусусиятлари унинг муҳит билан ўзаро алоқасига, маънавий оламнинг ички моҳиятига, ҳулқ-атворидаги яққол ифодаланган иккиланишлар ва беқарорликка сезиларли даражада таъсир кўрсатади [5]. Жиноятчи шахсининг криминологик таҳлилида ёшга оид тавсиф билан бир қаторда унинг маълумот даражаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инсоннинг маълумот даражаси унинг талаб, эҳтиёж ва манфаатларини, маънавий-ахлоқий ва маданий кўринишларини шакллантиради [6].

Оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик содир этган ҳуқуқбузар шахсларнинг ёшига оид маълумотлар ўрганилганида, уларнинг 10,1%ини

18-25 ёшдаги, 38,6%ини 25-35 ёшдаги, 26,8%ини 35-45 ёшдаги, 15,5%ни 45-55 ёшдаги ҳамда 9,2% 55 ёшдан юқори бўлганлар ташкил этди. Кўриниб турибдики, оилада зўравонлик содир этувчи шахсларнинг криминоген фаоллиги юқори бўлган асосий қисмини 25-45 ёшдагилар ташкил этмоқда.

Мазкур тоифадаги шахсларнинг 64,8% ишсизлар, 27,6% ишчилар, 5,4% хизматчилар, 2,3% тадбиркорлар ташкил қилади. Бундай жинойтларни содир этганлар ичида давлат хизматчиларининг камлиги, ишчилар салмоғининг кўплигини, шунингдек ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган (ҳеч жойда ишламайдиган, вақтинча ишсиз) шахсларнинг жиноий фаоллиги юқори эканлигини кузатиш мумкин.

Ҳуқуқбузар шахсларнинг маълумот даражаси ўрганилганида, уларнинг 5%ининг – маълумоти олий, 26% ўрта махсус, 66% – ўрта маълумотли, 3% эса тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ташкил этди. Ушбу тоифадаги шахсларнинг жинсга оид маълумотлари таҳлил қилинганда, оилада зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этувчилар асосан эркаклар бўлиб, уларнинг ҳиссаси 82%ни ташкил этади.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳуқуқбузар шахсларнинг энг кўп қисмини 66% – ўрта маълумотга эга бўлган, 64,8%ни ишсизлар, энг кўп ҳуқуқбузарлик содир этувчиларни 38,6%ни 30-35 ёшгача бўлган шахсларни ҳамда ушбу ҳуқуқбузарликларнинг 82% эркаклар томонидан содир этилишини кузатиш мумкин.

Тадқиқот жараёнида оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахсларни ўрганиш мақсадида ўтказилган социологик сўровларда ҳам ушбу маълумотлар ўзининг тасдиғини топди.

Оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар таркибида аёллар ҳиссасининг ортиб бориши ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт жараёнида уларнинг кийиниши, тарбиясига оммавий маданиятнинг таъсир бўлса, иккинчидан улар ўртасида ичкиликбозлик ёки зинокорлик иллатларининг кенгайиб бораётганлиги оқибати дейиш мумкин. Умуман олганда, оилавий-маиший турмуш соҳасида аёлларнинг эркакдан кўра кўпроқ моддий маблағ топиши ёки бошқа томондан устунлиги ҳам оилада зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этишига туртки бўлиши эҳтимоли анча юқоридир.

Гап шундаки, оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик оқибатида содир этилаётган жинойтларда аёлларнинг ҳиссаси эркакларникига нисбатан анча кам миқдорни ташкил этса-да, улар томонидан шахснинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлган жинойтларнинг содир этилиши ташвишланарли ҳолдир. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аёллар асосан рашк, ўч олиш, нафрат, муҳаббат можаролари каби вазиятлар билан боғлиқ ҳолда содир этишган. Табиийки, аёллар шахсига хос

бўлган тезда жаҳлнинг чиқиши ёки ҳар бир ҳолатни кўнглига яқин олиши ҳам мавжуд вазиятни янада мураккаблашувига олиб келиши мумкин.

Оилада жинсларнинг рухий-физиологик хусусиятлари ва уларнинг жамиятда ўйнаган роли, аёллар характерининг юмшоқлиги, уларнинг чидамлилиги ва сабрбардошлилиги ҳаётдан маҳрум қилиш ёки баданга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳолда ғаразли ниятини амалга ошириш учун аёлларнинг жисмоний имкониятлари чекланганлиги билан изоҳланади [7]. Қайсидир маънода, бундай ҳолат анъанавий тарбия оқибати бўлиб, эркакларнинг агрессив ҳуқ-атвори муаммоларни ҳал қилишнинг ягона ва самарали воситаси сифатида намоён бўлади [8].

Таҳлил қилинганида, оила турмуш муносабатлари доирасида содир этилган қотилликнинг 3-4%ни, қасддан баданга турли даражада шикаст етказиш жиноятларининг 7-8% аёллар томонидан содир этилганлигини кузатиш мумкин. Айрим тадқиқотларда қайд этилганидек, маиший жиноятлар таркибида одам ўлдириш жиноятини содир этган аёлларнинг улуши бошқа жиноятларга нисбатан қарийб икки баробар кўпдир [9].

Эркак ва аёллар жиноятчилиги ўртасида фарқнинг мавжудлиги, алоҳида турдаги жиноятлар бўйича аёллар ҳиссасининг умумий жиноятчиликдаги ҳиссасидан юқори даражада бўлиши, авваламбор уларнинг жамиятда тутган ижтимоий ўрни билан боғлиқдир. Шунингдек, шахснинг шаклланиш шароити (тарбия, ижтимоий назорат ва ҳ. к.), оилада тутган ўрни, жинслар ўртасидаги анъанавий фарқ ҳам муҳим аҳамиятга эга ва уни содир этган хатти-ҳаракатини ҳар томонлама белгилаб беради [10].

Ҳуқуқбузар шахсларга хос бўлган яна бир жиҳат шундаки, уларнинг маънавий ва интеллектуал даражаси юқори бўлмаган, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган, ҳуқ-атвори агрессив ҳамда криминогенлик даражаси юқори бўлган шахслар ҳисобланади. Ушбу тоифадаги шахсларбарча жиноят этган шахсларнинг 1/3 қисмини ташкил этади. Шунингдек, шахснинг оилавий аҳволи, моддий жиҳатдан таъминланганлик даражаси, турар жойи ва ҳ.к. ҳам криминологик аҳамиятга эгадир.

Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар таркибида қотиллик ва баданга шикаст етказишларнинг 50%ини айнан ушбу тоифадаги шахслар содир этишини тадқиқотларимиз ҳам яққол кўрсатмоқда. Бир қатор тадқиқотларда жиноят содир этган шахсларнинг билими ва маълумот даражаси юқори бўлмаган шахслар эканлиги қайд этилган. «Маълумотнинг камлиги, маданият даражасининг пастлиги, шахс қизиқишларининг анчагина тор бўлишига ва сийқалашувига, ахлоқнинг дағаллашувига, шахсиятпарастлик ва худбинлик хислатларининг ривожланишига олиб келади» [11].

Шахс маълумот даражасининг пастлиги, ахлоқсизлиги, ҳуқ-атворининг салбийлиги кўп ҳолларда ҳуқуқбузар шахсни ғайриижтимоий ишлардан ўзини тия

олмасликка олиб келади. Бундай шахслар оқибатда ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларни ўйламасдан, осонгина содир этадилар.

Жиноят содир этувчи шахсларнинг ҳиссиёт ва ғаразли ниятлари ҳаётдаги қийинчиликлар, руҳий ўзгаришлар ёки бузилишлар натижасидир [12].

*Хуқуқбузарнинг ички руҳий дунёси, эҳтиёжлари, эмоционал иродавий даражаси, гайриижтимоий хусусиятларини* ўрганишга алоҳида эътибор бериш лозим. Модомики, оилада зўравонлик содир қилган шахслар ҳақида юқорида кўрсатилган хусусиятлар атрофлича ўрганилмаса тадқиқ этилаётган жиноятлар профилактикаси борасида профилактик чора-тадбирларни амалга оширишнинг самараси паст бўлиши табиий ҳолдир.

Тадқиқотимиз жараёнида суд-тергов амалиёти ва суд архиви материаллари таҳлил қилинганида, ушбу тоифадаги шахсларнинг асосий қисмини илгари судланган, ишсиз, спиртли ичимлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган, гайри-ижтимоий ҳулқ-атворли, маълумот даражаси юқори бўлмаган шахслар ташкил этди. Таҳлилларга асосан айтиш мумкинки, оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарликнинг 90 фоиздан ортиғи юқорида қайд этилган тоифадаги шахслар томонидан содир этилмоқда.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ҳуқуқбузар шахсларнинг кўпчилигиспиртли ичимликларни ёшлигидан истеъмол қилишни ўрганган ҳамда унинг таъсирида турли ҳуқуқбузарликлар содир этишган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳаётда ҳам айнан ушбу тоифадаги шахсларда жиноят содир этишга мойиллик юқори бўлиб, улар томонидан содир этилган жиноятлар таркибида шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши турли даражадаги тан жароҳати етказиш ҳолатлари кўп учрайди.

Шундай экан, жиноятчи шахсини психологик жиҳатдан ўрганишда уни ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқадорликда таҳлил қилиш лозим. Чунки, жиноий ҳулқни шахс ёки муҳит эмас, балки айнан уларнинг ўзаро алоқаси юзага келтиради [13]. Табиийки, ижтимоий муҳитнинг жиноий ҳулққа таъсири мураккаб хусусият бўлиб, ўрганилаётган муаммо бўйича аниқ маълумот олиш имконини беради. Қизиғи шундаки, «...ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Жиноятчилик номақбул ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий муҳитдагина илдиз отиши мумкин» [14].

Жиноятчи шахс ва унинг шаклланиш сабабларини самарали ўрганиш жиноий ҳулқ-атвор мотивларини тадқиқ этишни тақозо этади. Чунки, мотив шахс ва унинг хусусиятлари, майллари ва қизиқишлари билан узвий боғлиқдир [15].

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур жиноятларнинг содир этилишига кўпинча маиший-турмуш доирасидаги низо ва келишмовчиликлар сабаб бўлади. Бундай низо ва келишмовчиликлар оқибатида оилада зўравонлик билан боғлиқ



ҳуқуқбузарликлар содир этувчи шахсларнинг хулқ-атворида ғаразғўйлик каби хусусиятлар мавжуд бўлиб, уларда миллий, оила, инсон кадриятларини, хусусан ўзининг яқинлари ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини менсимаслик, инсонлар билан муомалада қўполлик, салбий хулқ ва бошқа нуқсонлар мавжудлиги кузатилмоқда.

Оилада зўравонлик содир этган шахсларнинг хусусиятларини ўрганишда қизиқарли савол туғилади. Хўш, нима учун бу шахслар ўзларига яқин бўлган шахслар, яъни, ўз оила аъзосига нисбатан зўравонлик содир этишади? Нима учун улар ўзига яқин бўлган кишиларига азоб беришади?

Оилада ҳуқуқбузарлик содир этувчининг шахси бошқа одамнинг шахсидан ижтимоий-хавфлилик даражаси билан қандай фарқ қилади? Бизнинг фикримизча, шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусияти унинг жиноий хулқ-атворида боғлиқ бўлади. Ҳуқуқбузар шахс онги ва унинг маънавияти ривожланмаганлиги унинг жиноят содир этишига кўмаклашовчихусусиятлардан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқбузар шахсларни хусусиятларига қараб тегишлилиги бўйичакриминалогик тоифаларга ажратиб ўрганиш лозим. Зеро, ҳуқуқбузар, хусусан оила турмуш соҳасида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ички дунёси (руҳияти)га кириш орқали уларнинг феъл-атвори, ижтимоий психологик хусусиятлари, характери ва табиатини ўрганиш уларнинг жиноят содир этишининг сабабини аниқлаш имконини беради.

Спиртли ичимлик шахснинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатиб, зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар содир этилишини тақозо этувчи криминоген омил ҳисобланади. Шу боисдан, оилада зўравонлик содир этган шахслар криминоген хусусиятга эга бўлишади.

Тадқиқотимизда шу нарса аён бўлдики, зўравонлик содир этган шахслар кўп ҳолларда спиртли ичимликларни меъёридан ортиқ истеъмол қилиши натижасида оғир турдаги қилмишларни ҳам содир этишган. Тадқиқ қилинган қасддан одам ўлдиришнинг 36%, қасддан баданга шикаст етказишнинг 43%, номусга тегишнинг 12%, безориликнинг 51% бевосита мастлик натижасида содир этилган. Айрим тадқиқотларда жиноятларни содир этилишида жиноятчи шахслар 73% маст ҳолатда эканлиги аниқланган [16].

Яна бир тадқиқотда маиший турмуш соҳасида содир этилган жиноятларнинг 90 фоизида эркакнинг спиртли ичимликни деярли ҳар куни истеъмол қилишининг сабаб бўлиши қайд этилган [17].

Шахснинг спиртли ичимликларни истеъмол қилиши оқибатида асаб тизимининг тормозланиши, ўзини бошқара олмаслик, қилаётган ҳатти-ҳаракатининг оқибатини англаб етмаслик, айниқса, шахснинг хулқ-атворида эмоционал руҳий ҳолатларининг салбий томонга ўзгариши кузатилади [18]. Умуман олганда, шахснинг мастлиги натижасида ўз ҳаракатларини назорат

қилолмаслик, кўполлик, агрессивлик кузатилади. Бунинг натижасида маст кишининг онгида жамиятда ўрнатилган ахлоқ-одоб нормаларига бефарқлик ва ҳурматсизлик билан қараш пайдо бўлади. Бу эса, жамиятга зид бўлган турли ғайри-ижтимоий салбий хусусиятларни шакллантириб шахснинг жиноят содир этишига олиб келади.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш жоизки, шахснинг мастлик ҳолатидаги ҳаракатларида маълум бир даражада ҳуқуқбузарнинг «ҳеч кимдан кўркмайман», «ҳамма нарса мумкин» деган фикрлари уларнинг ижтимоий хавfli қилмишларида намоён бўлади.

**Ҳуқуқбузар шахснинг ижтимоий-руҳий хусусиятлари.** Оилада зўравонлик содир этган шахсларнинг маънавий-руҳий хусусиятлари, хулқ-атвори тажовузкорлик хусусиятга эга эканлиги бир қатор табиий ва ижтимоий фан вакиллари томонидан атрофлича ўрганилган. Зикр этилган психологик хусусиятларни бир хилда ўзида мужассамлаштирган шахс ўз индивидуаллиги жиҳатдан бетакрордир [19].

Шахснинг ички майли (рашк, қасос, алам, оилада эркак ёки аёлнинг бир-бирига устунлик даъвоси ва ҳ.к.) оилада зўравонликнинг ёки жиноий ҳатти-ҳаракатларни содир этилишига сабаб бўлади. Бу объектив омиллар шахсда бевосита маънавий салбий хусусиятларни шакллантирмаса-да, лекин шахс салбий маънавий шаклланиши учун қулай шароитлар бўлиб ҳисобланади. Бундай салбий хусусиятлар эса, шахсда тажовузкорликнинг шаклланишига олиб келади. Тажовузкорлик деганда, ўз муаммоларини ҳал этиш учун зўравонлик воситаларидан фойдаланишни афзал кўриш, низоларни тажовуз йўли билан ҳал этиш орқали жиноят содир этиш тушунилади [20].

Оиладаги ҳаёт тарзи шахснинг жиноий хулқ мотивациясига бевосита таъсир кўрсатади. У ташқи ижтимоий ва бошқа омиллардан ташкил топиб, жиноят содир этувчи шахснинг шахсий хусусиятларига таъсир кўрсатиб унинг жиноят содир этишини белгилаб беради [21]. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг мотивининг барчаси қасдга бориб тақалади. Аммо, ушбу мотив кўп ҳолларда бошқа мотивлар, хусусан қасос, рашк, ҳасад, жабрланувчини кўрқитиш, айбдор кўйган талабларнинг жабрланувчи томонидан бажарилишига эришиш кабилар билан узвий боғлиқ бўлиши мумкин [22]. Мазкур жиноятларни содир этган шахсларнинг асосий қисмини 30-55 ёшгача бўлганлар ташкил этиб, уларнинг 61%ни илгари судланган шахслар ташкил этади.

Қасддан жиноят содир қилган шахснинг судланганлигидан кейин яна янги қасддан жиноят содир этиши, унинг хулқ-атвори бузулиши даражасининг янада чуқурлашганлигини кўрсатади [23]. Ҳуқуқбузарнинг илгари жиноят содир этгани ҳам муайян қилмишнинг келиб чиқишида, айниқса жабрланувчининг қилмишига

жавоб реакциясини қайратиш билан жиноят содир этишига олиб келишини кузатиш мумкин. Бундай вазиятлар никоҳсиз бирга яшаганларда кўп кузатилди. Мисол учун, илгари судланган 1961 й.т. фуқаро Н. таниши С.нинг уйида у билан никоҳсиз бирга яшаб келган. Улар биргаликда С.нинг уйида спиртли ичимликларни истеъмол қилиб, никоҳсиз яшаётган турмуш ўртоғи С.ни бевафоликда айблаб, танасининг турли жойларига қўл ва оёқлари билан уриб тан жароҳати етказган [24].

Тадқиқот давомида оиладаги зўравонлик оқибатида содир бўлган жиноят ишлари ўрганилганида уни содир этган шахсларнинг 43,2% озодликдан маҳрум этиш жазосига, 26,5% озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилингани ҳамда 31,3% эса тарафларнинг ярашуви билан жиноят ишлари тугатилгани аниқланди. Зеро, ярашув билан жиноят ишини тугатиш келгусида жиноятлар содир этилишини олдини олиш ҳамда жиноятдан жабрланган шахсларни ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқшунос Р.Имамов таъкидлаганидек, ярашув институтини қўллашда жиноятдан жабрланганлар манфаатларини инобатга олиш лозим [25].

Юқоридагилар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, оилада зўравонлик жиноятларини содир этган шахсларнинг аксарият қисмини турмуш-тарзи носоғлом, вақтинча ишсиз, маълумоти юқори бўлмаган, маънавияти ривожланмаган, атрофдагиларга бўлган муносабати самимий бўлмаган, атрофидагилар билан муомалада қўпол ва жиззаки бўлган тоифадаги шахслар эканлиги намоён бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Криминология: Дарслик / –Т., 2007. –Б. 84
2. Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: юрид. фан. док-ри. дисс-я. –Т., 2006. –Б. 75.
3. Рахмонов Р.Н., Юлдашев М.Ш. Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т., 2016. – Б. 134.
4. Шоумаров Ғ.Б. Оилавамуҳаббат. – Т., 1996.– Б. 6.
5. Исмоилов Н.Т. Вояга етмаганлар жиноятларини индивидуал олдини олиш муаммолари: юрид. фан. номз. диссер-я. –Т., 2007. –Б. 73.
6. Отажонов А.А. Жиноятга дахлдорлик: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар: юрид. фан. номз. дисс-я. –Т., 2009. –Б. 90.
7. Криминология / Н.Ф.Кузнецова, Г.М.Миньковский таҳрири остида. –М., 1994. –С. 245; Усмоналиев М., Каракетов Ю. Криминология. –Т., Янги аср авлоди, 2001. –Б. 98.



8. Ш.М. Асьянов., Ф.Х. Бакиева ва бошқ. Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. «Mega Basim» –Т., 2008. –Б. 60.
9. Алауханов Е.О. Криминология. Учебник, Алматы, –2008. –С. 213–214
10. Антонян Ю. М. Преступность женщин. Социалистическая законность. – М., №7, 1991. –С. –19.
11. Исмаилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. –Т., 2005. –Б. 78.
12. Жигаров Е.С., Петухов В.И. Философия. Криминология. –М.: Олма-Прес, 2006. –С. 562.
13. Душанов Р. Х. Жиноятчи шахс психологияси: Ўқув қўлланма.–Т., 2011. –Б.6.
14. Каримов И.А.Бунёдкорлик йўлидан.Т.4. –Т., 1996. –Б. 147.
15. Ильяшенко А.Н. Борьба с насильственной преступностью в семье. –М., 2003. –С. 115.
16. Журавлева Ю.В.Виктимологическая профилактика изнасилований: Афтореф. дис. кан. юрид. наук. –М., 2007. –С. 12.
17. Коцюба В.А.Криминологический анализ и предупреждение преступлений а сфере-бытовых отношений: Афтореф. дис. кан. юрид. наук. – Красноярск., 2004. –С. 13.
18. Попов А.Н. Насилие как основание возникновения аффекта при совершении преступлений против личности. / А.Н. Попов // Уголовноеправо.Киев. –2002. –С.69.
19. Умумий психология. –Т., 1992. –Б. 210.
20. Антонян Ю.М. Психология убийства. –М., 1997. –С. 17–18.
21. Акназарова Ш. Оилада зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар сабабларини аниқлашнинг аҳамияти // Адвокат. –Т., 2011. №-2. – Б. 37.
22. Астанов И.Р. Зўрлик ишлати содир этиладиган жиноятлар ва уларни тергов қилишнинг ўзига хос жиҳатлари: Ўқув қўлланма. –Т., ТДЮУ, 2015. –Б. 139.
23. Инамов Р. Зўрлик ишлатмасдан толон-торож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлаш: юрид. фан. номз. дисс-я. –Т., 2011. –Б. 57.
24. Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар суди архиви 1/264-20-сонли йиғма жилд.
25. Имамов Р. Зўрлик ишлатмасдан толон-торож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлаш: афтореф.дисс. кан. юрид. наук. –Т., 2011. –Б. 12.